

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ДАМИНОВА НАРГИЗА РАВШАНОВНА

**ПЎРСИЛДОКЛИ БЕМОРЛАРДА ПАРОДОНТИТНИ
ТАШХИСЛАШ, ДАВОЛАШ ВА ОЛДИНИ ОЛИШ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Даминова Наргиза Равшановна

Пўрсилдокли беморларда пародонтитни

ташхислаш, даволаш ва олдини олиш..... 3

Даминова Наргиза Равшановна

Диагностика, лечение и профилактика

пародонтита у больных пузырчаткой..... 25

Daminova Nargiza Ravshanovna

Diagnosis, treatment and prevention

of parodontitis in patients with pemphigus..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of pulished works 50

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ДАМИНОВА НАРГИЗА РАВШАНОВНА

**ПЎРСИЛДОКЛИ БЕМОРЛАРДА ПАРОДОНТИТНИ
ТАШХИСЛАШ, ДАВОЛАШ ВА ОЛДИНИ ОЛИШ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.PhD/Tib.285 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tsdі.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Камилов Хайдар Позилович

Тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Лукина Галина Ильхамовна

Тиббиёт фанлари доктори, профессор

(Россия Федерацияси)

Хабиллов Нугмон Лукмонович

Тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Узок Шарк Давлат Тиббиёт университети

(Россия Федерацияси)

Диссертация химояси Тошкент давлат стоматология институти ҳузуридаги DSc.28.12.2017.Tib.59.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__»_____куни соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент ш., Яшнабод тумани, Махтумкули кўчаси, 103. Тел.: (+99871) 230-20-65; факс: (+99871) 230-47-99; e-mail: tsdi2016@mail.ru).

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Тошкент давлат стоматология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№__ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Ташкент ш., Яшнабод тумани, Махтумкули кўчаси, 103. Тел.: (+99871) 230-20-65)

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ да тарқатилди.

(2018 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ж.А. Ризаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Л.Э. Хасанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Х.И. Ирсадиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда пародонт яллиғланиш касалликлари кенг тарқалган, катта ёшли аҳоли орасида 90% учраши, касалланиш даражасини ортиб бориши ва пародонтнинг шикастланишининг оғир шакллари ортиб бориши билан тавсифланади. «...замонавий ижтимоий ва тиббий тадқиқотлар, сўнгги ўн йилликда касалликнинг ривожланишига қатор олимларининг илмий натижалари шуни кўрсатдики, аҳоли саломатлигини белгилаб берувчи омилларга турмуш тарзининг таъсири 50%га, атроф-муҳит экологияси 20%га, популяция генотиби 20%га ва тиббий ёрдам кўрсатиш даражаси 10%гача касалликнинг ривожланишида алоҳида ўрин тутади...»¹. Ҳозирги кунда тарқалган пародонтитни қатор ички аъзолар касалликлари билан бирга кузатилиши, турли тизимли касалликлар патогенезига мос ҳолда пародонт тўқимасидаги ўзгаришлар, тўлиқ ремиссияга эришишга тўсқинлик қилади. Бугунги кунда дерматология соҳасида пўрсилдоқнинг улуши 0,6-1% ташкил қилсада, касалликни, эрта ташхислаш ва даволаш тизимини такомиллаштириш, асоратларини олдини олиш долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда пўрсилдоқли беморларда пародонтитни ташхислаш, даволаш ва олдини олиш самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, пўрсилдоқ билан касалланган беморларда пўрсилдоқ элементларини жойлашиши ва касаллик давомийлигига боғлиқ равишда пародонт яллиғланиш касалликларини клиник хусусиятларини, пўрсилдоқ билан касалланган беморлар қон зардобиде минерал алмашинуви кўрсаткичларини асослашдан иборат. Қон ва милкда эндотоксикоз даражасини, глюкокортикоид терапия оқибатида келиб чиққан тизимли остеопорозда альвеоляр ўсимта атрофиясининг патогенетик механизмларини, пўрсилдоқ билан касалланган беморларда ҳар икки касалликнинг асосий патогенетик механизмларига таъсир қилувчи комплекс даволаш усулини ишлаб чиқишдан иборат. Касалликни даволаш самарадорлигини баҳолаш касаллик асоратларни камайтириш, профилактик чора-тадбирлар механизмини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизнинг тиббиёт соҳасини ривожлантириш, жумладан аҳоли орасида сурункали касалликларни олдини олиш, пўрсилдоқли пародонтит асоратларини камайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш ...»² вазифалари белгиланган. Бу вазифаларни амалга оширишда беморларга кўрсатилаётган тиббий хизматни яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуасини ҳамда пўрсилдоқли

¹ ЖССТнинг Европа минтақасида асосий саломатлик кўрсаткичлари, 2014.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони

пародонтитни ташхислаш ҳамда сифатли тиббий хизмат кўрсатишда инновацион технологияларни қўллаш асосида замонавий даволаш усуллари такомиллаштиришга алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947 сон Фармони, 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3071-сон ва 2014 йил 1 августдаги «Ўзбекистонда оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича 2014–2018 йилларга мўлжалланган Давлат дастури» ПҚ-2221-сон Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Адабиётларда келтирилган маълумотларини далолат беришича, пўрсилдоқ мураккаб мультифакториал касалликларга мансубдир. Пўрсилдоқни ривожланиши маҳаллий ва тизимли тавсифдаги стереотипли реакциялар боғлиқлигини кўрсатувчи концепция шакллантирилган ва у эндоген интоксикация жараёнини ривожланиши ва авж олиши билан боғлиқ бўлиб, қонда ўрта молекулали пептидлар ва олигопептидларни ортиши, протеолитик жараёнларни, ЛПО фаоллашиши, АОТ сусайиши, оксилларнинг оксидланган модификацияларини ортиши билан намоён бўлади (Латышева С.В., 2004; Либик, 2010; Мавлонова З.Ш., 2010; Fumie H., Kazutoshi H., Noriko A., 2011; Feldman R.J., Christen W.G., Ahmad A.R., 2012). Глюкокортистероидларни узок муддатли қўлланилиши минерал мувозанатни бузилиши, суяк тўқимаси ремоделланишини пасайиши ва остеопороз ривожланишига олиб келиши қатор олимларнинг ишларида қайт қилинган (Пантелеева Г. А., Суздальцева И. В.2009; Низамова А.В., 2010; Bleiker T.O., Derby U.K. 2010; Di Zenzo G., Della Torre R., Zambruno G., Borrandori L., 2012).

Ўзбекистонда пародонтитнинг турли клиник белгиларни стоматологик даволаш борасида қатор олимларни ишлари мавжуд (Мавлонова З.Ш., 2010; Юлдашева Н.А., 2017; Алимова Д.А., 2018) пўрсилдоқ билан касалланган беморларда пародонтитни тизимли даволашга комплекс ёндошишнинг йўқлиги, стоматолог ва дерматовенерологларнинг клиник жихатдан ҳамкорликларининг йўқлиги билан тушунтириш мумкин. Муаммонинг долзарблиги ва глюкокортикоид терапия негизида пўрсилдоқ билан касалланган беморларда тарқалган пародонтитни ривожланишда маҳаллий ва тизимли метаболизм бузилишларини ўрнини босувчи маълумотларнинг йўқлиги, тадқиқотларимиз мақсад ва вазифаларини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилди. Тери

касаллиги билан оғриган беморларда пародонт тўқимасидаги яллиғланиш-деструктив жараёнларни чуқурлашиши кузатилиши баён қилинган қатор тадқиқотларга қарамасдан, пўрсилдоқ ва пародонт тўқимасининг зарарланишини биргаликда кечишини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар адабиётларда мавжуд эмас. Ҳозирги кунга қадар пўрсилдоқ билан касалланган беморларда пародонтитни тизимли патогенетик механизмлари ўрганилмаган.

Шундай қилиб, кўриб чиқиладиган муаммо бўйича мавжуд адабиёт манбаларини тахлилини кўрсатишича, турли соматик касалликларда умумий стоматологик касалланиш, жумладан пародонт касалликларининг учраш даражасини ортиши, турли соматик касалликлар негизида организмнинг иммунобиологик ва аллергия реактивлигини ишонарли тарзда пасайиши кузатилади ва бунинг асосида мақсадга йўналтирилган, дифференцияланган комплекс даволаш-профилактика дастурлари ишлаб чиқиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01040025 «Оғиз бўшлиғи ва тиш патологияларини даволаш ва олдини олишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш ва тадқиқ этиш» (2012-2014) илмий мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади пўрсилдоқ билан касалланган беморларда пародонтитни ривожланишининг патогенетик хусусиятлари ва комплекс даволаш тизимини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

пўрсилдоқ билан касалланган беморларда пўрсилдоқ элементларини жойлашиши ва касаллик давомийлигига боғлиқ равишда пародонт яллиғланиш касалликларини клиник хусусиятларини аниқлаш;

пўрсилдоқ билан касалланган беморлар қон зардобидида минерал алмашинуви кўрсаткичларини тахлил қилиш;

қон ва милқда эндотоксикоз даражасини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш;

глюкокортикоид терапия оқибатида келиб чиққан тизимли остеопорозда альвеоляр ўсимта атрофиясининг патогенетик асосларини исботлаш;

пўрсилдоқ билан касалланган беморларда ҳар икки касалликнинг асосий патогенетик механизмларига таъсир қилувчи янги даволаш усулини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент давлат стоматология институти ва Республика тери таносил касалликлари клиникасига мурожат қилган 30 дан 50 ёшгача бўлган пўрсилдоқ негизидаги пародонтит билан хасталанган 49 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида илмий тадқиқотлар асосида пўрсилдоқли беморларда пародонтитни ташхислаш, даволаш ва олдини олишда пародонт тўқимаси ва оғиз суюқлиги материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Қўйилган вазифаларни бажариш мақсадида клиник, биокимёвий, клиник-лаборатор, клиник-функционал ва статистик текшириш усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

пўрсилдоқли беморларда пародонт яллиғланиш касалликларнинг келиб чиқиши ҳамда бирга кечишида ривожланадиган милкларнинг қонаши, турли даражадаги енгил, ўртача ва чуқур яллиғланиш каби клиник белгиларининг ўзаро боғлиқлиги асосланган;

пўрсилдоқли беморларда пародонтит ривожланишининг ягона тизимли гомеостатик бузилишлар ва остеопорозли беморларда сурункали ривожланишнинг патогенетик механизмлари исботланган;

пўрсилдоқли беморларда пародонтитнинг ривожланишига сабаб бўлган бактерияларнинг ҳисобига тизимли эндотоксикоз фаоллиги, кальций ва фосфор алмашинувининг бузилиши, суяк ремоделланишнинг пасайиши исботланган;

пўрсилдоқ ва пародонт патологиясининг патогенетик аҳамиятли ягона механизмларини коррекциялаш орқали беморларда касалликни комплекс даволаш тизими такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

пўрсилдоқ негизида кечувчи пародонтит билан касалланган беморларда эндотоксикоз ва остеопороз даражаси, периферик қондаги метаболизм даражасига боғлиқ эмаслиги исботланган;

пўрсилдоқ негизида кечувчи пародонтит билан касалланган беморларда ўзаро бир-бирини клиник кечишини оғирлаштириши илмий асосланган;

пўрсилдоқ билан касалланган беморларда соматик гомеостатик бузилишлар нуқтаи-назаридан тарқалган пародонтитни тизимли коррекциялаш воситаларини қўллаш асосланган;

эндотоксикация ва остеопороз жараёнини мўтадиллаштириш орқали пўрсилдоқ ва пародонтитни даволаш самараси оширилган;

пўрсилдоқ негизида кечувчи пародонтит билан касалланган беморларни стоматолог ва дерматовенерологлар ҳамкорликда тизимли таъсирга эга воситаларни қўллаш орқали даволаш муолажаларини амалга ошириш тартиби ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндошув ва усуллар, олиб борилган клиник тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, клиник, биокимёвий, клиник-лаборатор, клиник-функционал ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, пўрсилдоқли беморларда пародонтитни ташхислаш, даволаш ва олдини олиш тартиби халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти пўрсилдоқ негизида кечувчи пародонтит билан касалланган беморларни даволашда минерал алмашинуви бузилиш даражасини эътиборга олган ҳолда, патогенетик асосланган дори воситаларини қўлланган ҳолда

тавсия қилинган тизимни самарадорлигини баҳолаш мезони шакллантирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти пўрсилдоқ негизида кечувчи пародонтитни патогенетик механизмлари, тизимли эндотоксикоз фаоллигини ортиши, минерал алмашинувининг бузилиши, суякнинг ремоделланишининг пасайиши даволаш ва олдини олиш услубини танлашда такомиллашган комплекс даволаш усулини тавсия этиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Пўрсилдоқли беморларда пародонтитни ташхислаш, даволаш ва олдини олиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Пўрсилдоқ негизида пародонтит билан хасталанган беморларда суяк минерал зичлиги» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 16 июндаги 8н-р/192-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма аҳоли орасида пўрсилдоқ негизида кечувчи пародонтитни олдини олиш, ташхислаш, самарали даволаш учун аниқ ҳаракатлар режаси тузиш тизимини ташкиллаштириш имконини берган;

«Пўрсилдоқ билан хасталанган беморларда сурункали пародонтитни комплекс даволаш» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 16 июндаги 8н-р/192-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма пўрсилдоқ негизида кечувчи пародонтитни самарали даволаш тизимини яратиш имконини берган;

пўрсилдоқли беморларда пародонтитни ташхислаш, даволаш ва олдини олиш бўйича олинган илмий натижалар асосида илмий-тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент давлат стоматология институти терапевтик стоматология поликлиникаси, Самарқанд шаҳар ва вилояти стоматологик поликлиникалари, Республика тери-таносил касалликлари клиник шифохонасида клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 16 июндаги 8н-р/192-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг клиник амалиётга жорий қилиниши пўрсилдоқли беморларда пародонтитни ташхислаш, даволаш ва олдини олиш ва асоратларни камайтириш ва даволаш профилактик ёрдам сифатини ошириш имконини яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Пўрсилдоқли беморларда пародонтитни ташхислаш, даволаш ва олдини олишнинг замонавий талқини**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича адабиёт манбалари кенг таҳлил қилинган. Стоматология соҳаси бўйича хорижий ва маҳаллий олимларнинг замонавий илмий ютуқлари таҳлил қилинган. Соматик патологиялар негизидаги пародонт касалликларини даволаш ва олдини олишнинг замонавий усулларига бағишланган адабиёт манбалари баён қилинган, давлат ва маҳаллий миқёсда ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар келтирилган. Муаммонинг ҳал этилмаган ва ўз ечимини кутаётган жиҳатлари батафсил ёритилган.

Диссертациянинг «**Пўрсилдоқли беморларда пародонтитни ташхислаш, даволаш ва олдини олиш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида текшириш усуллари ва материаллари, хронологик маълумотлар, объектлар баён қилинган бўлиб, улар асосида ушбу илмий иш амалга оширилди. 30 дан 50 ёшгача бўлган 49 нафар бемор тадқиқот объекти бўлиб ҳисобланди.

Диссертация тадқиқоти 2015-2017 йиллар давомида ТДСИ госпитал терапевтик стоматология кафедраси ва Республика тери-таносил касалликлари клиник шифохонасида олиб борилди. Тадқиқотларга асосан пўрсилдоқ негизида кечувчи сурункали тарқалган пародонтит билан касалланган беморлар ва 20 та интакт пародонтитли шахслар жалб қилинди.

Пўрсилдоқ билан бирга кечувчи пародонтит мавжуд барча беморларга пародонтитни даволашнинг умумқабул қилинган схемаси тавсия қилиниб, у оғиз бўшлиғи снацияси, тиш усти ва ости қопламаларидан тозалаш, шикастловчи омилларни бартараф қилишдан иборат бўлди. Юмшоқ тиш чўткалари ва абразивсиз компонентсиз тиш пасталарини қўллаш билан оғиз бўшлиғи гигиенаси қоидаларига амал қилиш ўргатилди. Пародонтал чўнтакларни дезинфекцияловчи (3 мг/л) озон концентрацияси билан чайилди ва «Метрогил-дента» малҳами билан химояловчи-мустаҳкамловчи аппликациялар ишлатилди.

Даволашнинг ушбу босқичида беморлар 2 гуруҳга ажратилди: назорат гуруҳи беморлари юқорида кўрсатилган даволаш схемасини давом эттирганлар бўлса, асосий гуруҳ беморларида эса қуйидаги қўшимча комплекс чоралар қўлланилди: биринчи гуруҳдаги сурункали тарқалган пародонтит билан касалланган беморларга пародонтал чўнтакларга «Метрогил-дента» малҳами 10 г миқдорда 5-7 кун қўйилди; иккинчи гуруҳ беморларига милк юзасига маҳаллий 10 г миқдорда 5-7 кун давомида «Энтеросгель» гели аппликация

қилинди ва бир ош қошиқдан кунига бир марта ичишга буюрилди; минерал гомеостазни меъёрлаштириш, кальций ва фосфор алмашинувини бошқариш, суюяк минерал зичлигини ошириш мақсадида остеотроп даволаш ўтказилди. Бу мақсадда Бонвива дори воситаси 1 капсуладан кунига бир марта 6 ой давомида буюрилди.

Текширувларда куйида усуллардан фойдаланилди: клиник, биокимёвий, клиник-лаборатор усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотлардан олинган натижаларга Pentium IV компьютерида Microsoft Office Excel 2013 дастурий тўплами ёрдамида ҳамда ўрнатилган статистик ишлов бериш усулларида фойдаланилган ҳолда статистик ишлов берилди.

Диссертациянинг **«Пўрсилдоқли беморларда пародонтитни ташхислашнинг биокимёвий кўрсаткичлари»** деб номланган учинчи бобда оғиз бўшлиғи шиллик қаватида пўрсилдоқнинг клиник-топографик хусусиятлари ва беморларда пародонт тўқимаси яллиғланиш жараёнларини хусусиятлари, ҳамда биокимёвий текширув натижалар баён қилинган.

Клиник зўриқиш босқичида бўлган ва кортикостероид терапия олган 49 та пўрсилдоқ билан касалланган беморлар текширувдан ўтказилди. Беморларда оғиз бўшлиғи ўзгармаган шиллик қаватида бир-бири билан қўшилиб кетган кўп сонли эрозиялар қайд қилинди.

Шикастланган соҳалар оқ-кулрангдаги фиброз қопламли қизил рангга, кўпинча кўкимтир тусга эга бўлди.

Пўрсилдоқ билан касалланган беморларни сўраб-суриштириш натижасида аниқланишича, текширилганларнинг 10% оғиз бўшлиғидаги оғриққа шикоят қилган бўлса, 19(38,7%) ҳолатда оғиз бўшлиғида дискомфорт; 24 (48,98%)—сўзлашиш ёки овқатланиш вақтидаги оғриққа ва 6 (12,24%)—оғриқ сабабли сўзлашиш ва овқат қабул қилишдан бош тортганлар. Текширилганларнинг 31 таси (63,26%) кўп сўлак ажралиши, 39 таси эса (79,6%)—оғиз бўшлиғидан нохуш хид келишига шикоят қилдилар.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, кортикостероидли терапия олган пўрсилдоқ билан оғриган беморлар даволаниш давомийлиги бўйича фарқландилар: умумий интоксикация ҳолатлари шикоятлари интенсивлиги ва касаллик давомийлигининг ортиши билан сурункали касаллик даражаси ҳам ортиб борди.

Шикастланиш элементларини анатоми-топографик жойлашиши тахлил қилинганда, улар энг кўп ҳолларда лунж шиллик қаватида—21(47,86%); иккинчи ўринда эса тил асоси ва оғиз тубида—18 (36,13%) беморда; милкни чегараланган шикастланиши эса ОБШҚ бошқа топографик соҳалари орасида учинчи ўринни эгаллаб, бу ҳолат 16 (32,65%) беморда қайд қилинди.

Шикастланиш элементларининг бошқа локализацияси 12(24,49%) дан (лаб, орал юзадан ташқари) ва 11 (22,44%) (ретромоляр соҳа) учради.

Шуни таъкидлаш лозимки, ОБШҚ алоҳида соҳаларида шикастланиш белгиларининг жойлашиш даражаси асосий касаллик давомийлигига боғлиқлиги кузатилди.

Одатда, пўрсилдоқ, 2-3 ва ундан кўп соҳаларни қамраб олиш билан ОБШҚ кузатилади.

Альвеоляр соҳа милк тўқимаси ва альвеоляр ўсиқларни шикастланиши 77,54% кузатилди, бунда чегараланган жойлашиши 32,5% ва ОБШҚ бошқа соҳаларини қамраб олган ҳолда кўшма шикастланишлар эса 44,89% беморда аниқланди.

Пўрсилдоқ билан касалланган беморларда пародонтал статусни ўрганишда аниқланишича, тарқалган пародонтит 100% ҳолатда аниқланади. Унинг структурасига оғир даражадаги тарқалган пародонтит–62,27±6,89% (солиштириш гуруҳида 5,0±3,45%), ўртача оғирликдаги тарқалган пародонтит – 22,44±5,45% (солиштириш гуруҳида 25,0±6,85%) ва энгил даражадаги тарқалган пародонтит эса – 14,29±5,0% (солиштириш гуруҳида 37,5±7,65%) ҳолатда аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

Пўрсилдоқ давомийлигига боғлиқ ҳолда пародонт яллиғланиш касалликларининг клиник шакллари (%)

Гуруҳ, йил, индекс	гингивит	Тарқалган пародонтит, даража		
		Энгил	ўртача	оғир
Назорат n=40	13 32,5±7,41	15 37,5±7,65	10 25,0±6,85	2 5,0±3,45
Пўрсилдоқ билан касалланган беморлар n=49				
1 йилгача n=11	-	5 21,81±12,84	6 28,57±13,62	10 47,62±15,06
1-3 йил n=20	-	2 10,0±7,07	4 20,0±9,43	14 70,0±10,80
>3 йил n=18	-	- -	1 5,55±5,12	17 94,44±51,12
Жами	49 100	7 14,29±5,0	11 22,44±5,95	31 63,27±6,88

Изоҳ: суратда – беморлар сони; махражда – гуруҳдаги беморлар сонига нисбатан %

Шундай қилиб, оғир даражадаги ТП учраш даражаси солиштириш гуруҳидан юқори даражада статистик ишонарли тарзда юқорилиги кузатилди. Бунда, оғир даражадаги ТП пўрсилдоқ давомийлигини ортиб бориши билан прогрессив равишда кўпайиб бормоқда, касаллик давомийлиги 1 йилгача бўлган муддатда унинг учраш даражаси 47,62±5,06%; 1-3 йилда – 70,0±10,8% ва 3 йилдан кўп давомийликка эга бўлганда - 94,44±5,12% ҳолатда аниқланди. Ушбу ўзгаришлар негизида ТП ўртача ва энгил даражаларини тарқалганлиги камайиб бориб, улар учраш даражаси касаллик давомийлиги 1 йилгача бўлганда мос ҳолда – 23,81±12,84% - 28,57±13,62%; 1-3 йил – 10,0±7,01% - 20,0±9,43% ва 3 йилдан кўп бўлганда – 0,0 – 5,55±5,12% га тенг натижалар қайд этилди. Пародонт тўқимасининг яллиғланиш-деструктив шикастланишларини шаклланишида патогенетик механизмларни аниқлаш учун шикастланиш элементларини жойлашишига боғлиқ ҳолда пародонт ҳолатини баҳолаш клиник нуқтаи-назардан муҳим ҳисобланади (2-жадвал).

**Пўрсилдоқ локализацияси вариантларига мос ҳолда пародонт
яллиғланиш касалликларининг клиник шакллари**

Локализация варианти	гингивит	даражаси		
		енгил	ўртача	оғир
Назорат n=40	13	15	10	2
	32,5	37,5	25,0	5,0
Пўрсилдоқ билан касалланган беморлар n=49				
Альвеоляр ўсимта қирраси ва милкнинг чегараланган шикастланиши n=11	-	2	1	8
		18,18	5,55	72,73
Бошқа топографик сохаларни кўшма шикастланишлари n=18	-	2	5	11
		11,11	27,78	66,67
Альвеоляр сохани шикастланишларисиз n=20	-	3	5	12
		15,0	25,00	60,0
Жами	49	7	11	31
	100	14,29	22,44	63,27

Изоҳ: суратдан – беморлар сони; махражда – гуруҳдаги беморлар сонига нисбатан %

Пародонт тўқимасининг яллиғланиш-деструктив шикастланишларини шаклланишида патогенетик механизмларни аниқлаш учун шикастланиш белгиларини жойлашишига боғлиқ ҳолда пародонт ҳолатини баҳолаш клиник нуқтаи-назардан муҳим ҳисобланади (2-жадвал). Тадқиқотлар натижасида пародонтитни тарқалиши шикастланиш белгилари локализацияга боғлиқлиги аниқланмади. Оғир даражадаги ТП учраш даражаси милк ва альвеоляр ўсимтани чегараланган шикастланишида $72,73 \pm 13,92\%$; кўшма шикастланишларида - $66,67 \pm 11,11\%$ ва чегараланганда - $60,0 \pm 0,95\%$ да кузатилди; барча ҳолатларда гуруҳлар орасидаги фарқлар ишонарли бўлмади ($120,05\%$). Ўртача даражадаги ТП сони эса мос ҳолда $5,55 \pm 6,9\%$; $27,78 \pm 10,55\%$ ва $25,0 \pm 9,68\%$. Енгил даражадаги ТП эса - $18,18 \pm 11,6\%$; $11,11 \pm 7,4\%$ ва $15,0 \pm 7,98\%$ да аниқланди.

Пародонтдаги яллиғланиш-деструктив шикастланишни ривожланишида шикастланиш элементларининг жойлашиши эмас, балки агрессия омилларини фаоллигини белгиловчи ва организмнинг компенсатор имкониятларини сусайтирувчи тизимли аутоиммун жараёнлар етакчилик қилади.

Таъкидлаш жоизки, шикастланишнинг тарқалганлиги, оғир яллиғланиш-деструктив бузилишлар ва пўрсилдоқни қайталаниш даврларига мос келувчи пародонт шикастланишининг авж олиб бориши пародонт тўқимасининг шикастланишининг ўзига хослиги ҳисобланади.

Пародонт ҳолатини индексли баҳолаш пўрсилдоқ давомийлиги ва шикастланиш белгиларнинг анатомо-топографик вариантлари бўйича баҳоланди (3-жадвал).

3-жадвал

Пўрсилдоқ давомийлигига боғлиқ ҳолда яллиғланиш, деструкция, гигиена ва пародонт қонаши индекслари

Гуруҳ, кортикостероид қабул қилиш давомийлиги, йил	ДИ, балл	ПМА, %	ОНИ-S, балл	Қонаш, балл
Назорат n=40	2,65±0,15	35,25±1,66	2,87±0,14	1,42±0,10
Пўрсилдоқ билан касалланган беморлар n=49				
1 йилгача n=11	5,28±0,22°	50,24±2,32°	3,62±0,15°	2,65±0,11°
1-3 йил n=18	6,44±0,31 ^{°Δ}	66,31±3,11°	4,88±0,21°	3,00±0,14°
>3 йил n=20	7,62±0,42 ^{°Δ, X}	78,45±3,62 ^{°Δ, X}	5,81±0,27 ^{°Δ, X}	9,52±0,17 ^{°Δ, X}
Жами n=49	6,66±0,22°	67,65±23°	4,82±0,22°	3,08±0,11

Изоҳ: ° - P<0,05 - назоратга нисбатан; Δ - P<0,01 - 1 йилгача бўлган натижаларга нисбатан; X - P<0,01 - 1-3 йил бўлган натижаларга нисбатан

Пўрсилдоқ билан касалланган беморларда пародонт деструкцияси даражаси (ПИ индекси) назорат гуруҳига нисбатан 154,2% (P<0,01); гингивит индекси (ПМА) – 91,91% (P<0,01); оғиз бўшлиғи гигиенаси (ОНИ-S) – 67,9% (P<0,01) микл қонаши индекси (Мюллерцан индекси) – на 116,9% (P<0,01) тенглиги кузатилди.

Пўрсилдоқ давомийлиги ортиб бориши билан пародонтнинг яллиғланиш-деструктив шикастлани даражасини авж олиб бориши аниқланди.


Пўрсилдоқ билан касалланган беморларда ПИ индекси катталиги касаллик давомийлиги 1 йилгача бўлганда – 99,25% (P<0,01); 1-3 йил 143,02% (P<0,01) ва 3 йилдан кўп – 187,55% (P<0,01) назорат гуруҳига нисбатан юқорилиги аниқланди; айти шундай ўзгаришлар ПМА индексига нисбатан ҳам кузатилди, бунда мос ҳолда 42,52% (P<0,01); 88,11% (P<0,01) ва 122,55% (P<0,01); оғиз бўшлиғи гигиенаси индекси OSU-S – 26,13% (P<0,01); 70,03% (P<0,01) ва 102,44% (P<0,01) ва микл қонаши индекси мос равишда 86,62% (P<0,01); 111,27% (P<0,01) ва 147,89% (P<0,01) натижалар қайд қилинди.

Пўрсилдоқ билан касалланган беморларда ПИ индекси касаллик давомийлиги 1 йилгача бўлганда – 99,25% (P<0,01); 1-3 йил 143,02% (P<0,01) ва 3 йилдан кўп – 187,55% (P<0,01); айти шундай динамика ПМА индекси бўйича ҳам кузатилди, бунда мос равишда 42,52% (P<0,01); 88,11% (P<0,01) ва 122,55% (P<0,01); оғиз бўшлиғи гигиенаси OSU-S индекси – 26,13% (P<0,01);

70,03% (P<0,01) ва 102,44% (P<0,01) ҳамда милк қонаши индекси 86,62% (P<0,01); 111,27% (P<0,01) ва 147,89% (P<0,01) назорат кўрсаткичларида юқорилиги кузатилди.

Демак, пародонтнинг чегараланган шикастланишида ПИ индекси назорат гуруҳидан 165,66% (P<0,01); комбинирланган шикастланишда 161,89% (P<0,01) ва альвеоляр милк шикастланишисиз –146,04% (P<0,01) юқори бўлди; ПМА индекси мос ҳолда - 90,77% (P<0,01); 86,21% (P<0,01) ва 81,96% (P<0,01); OSU-S индекси учун - 69,69% (P<0,01); 70,38% (P<0,01) ва 60,98 (P<0,01); милк қонаш индекси - 119,42% (P<0,01); 114,79% (P<0,01) ва 109,86% (P<0,01) назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан юқори натижалар кузатилди (1-расм).

Пўрсилдоқ билан касалланган беморларда пародонтни шикастланиш генезида умумий омиллар билан бир қаторда (политизимли патология, кортикостероидлар ва цитостатиклар қабули) қуйидаги маҳалилй омилларнинг ҳам роли каттадир: абразив компонентли тиш пасталарининг қитиқловчи ва десквамацияловчи таъсирида $83,27 \pm 5,32\%$ ҳолат аниқланиши билан бир вақтда, назорат гуруҳида $11,11 \pm 6,0\%$ кузатилди (P<0,05); реставрациялар ҳисобига милкларни шикастланиши - $53,06 \pm 7,12\%$ (назорат гуруҳида $11,11 \pm 6,0$) (P<0,05); милкларни ортопедик конструкциялар билан жароҳатланиши - $42,29 \pm 7,06\%$ (назорат - $14,81 \pm 6,9\%$) (P<0,05); ОБШҚ тамаки таъсирида индуцирланиши $61,22 \pm 6,96\%$ ҳолатда аниқланди (назорат гуруҳида $22,22 \pm 8,06\%$) (P<0,05).



1-расм. Шикастланиш элементлари локализацияга боғлиқ ҳолда пародонт яллиғланиш ва деструкцияси, гигиеник индекслар динамикаси (назорат гуруҳига нисбатан %)

Оғиз бўшлиғи гигиенасининг пастлиги, пародонтал комплекс деструкциясининг, милк қонашининг юқорилиги шикастланишларнинг эрозив (деструктив) тавсифга эғалиги пўрсилдоқ билан ассоцирланган пародонтитнинг клиник хусусияти ҳисобланади.

Пародонтит генезида тизимлаи омиллар билан бир қаторда маҳаллий хавф омилларининг (тиш пасталари, реставрация, ортопедик конструкция ва тамакининг қитиқловчи таъсири) ҳам аҳамияти каттадир.

Пўрсилдоқда пародонтал комплекснинг бузилиши унинг резистентлиги билан асоцирланган, ва бу ҳолат касалликнинг клиник кечишини оғирлашишига, даволаш самарадорлигига ва касалик оқибатларига ўз таъсирини кўрсатмай қўймайди.

Пародонт касалликларини клиник текширув натижаларининг далолат беришича, қўшма патология қайталанувчи ва авж олиб борувчи тавсифга эга бўлади ва уларни даволашда стоматолог ва дерматологларнинг иштирокини тақозо қилади.

Пўрсилдоқни олдини олиш ва даволашда кортикостероидлар қўллашни бошланиши билан дерматологик амалиётда аксарият беморларнинг меҳнатга лаёқати тикланди. Бироқ, ҳозирги кунда ушбу дори воситаларини пўрсилдоқ билан касалланган беморлар оғиз бўшлиғи ҳолатига таъсири кам ўрганилган, пўрсилдоқ негизда кечувчи пародонтит билан касалланган беморларда турли биологик суюқликларда минерал ва суяк метаболизми тўғрисидаги маълумотлар мавжуд эмас.

Тарқалган пародонтит патогенезида суяк тўқимасини тизимли шикастланиши—остеопорозга алоҳида эътибор қаратилади. Ўтказилган илмий ишлар ТП ва остеопоротик ўзгаришлар ўртасида клиник ва патогенетик боғлиқлик борлигини исботлаган (Каргушев, 2010).

Бироқ, пародонтит билан касалланган беморларга кундалик стоматологик ёрдам кўрсатишда тизимли остеопороз ва пародонтал комплекс суяк тўқимасини йўқотилишига эътибор қаратилмайди.

Шунинг учун биз томондан пўрсилдоқ негида кечувчи пародонтит мавжуд беморларда суяк тўқимаси шаклланиши ва резорбцияси биокимёвий маркерларини комплекс баҳолаш амалга оширилди.

Суяк тўқимаси элемент профили маълумотларини таққосий ўрганишда пародонтит билан касалланган беморларда минерал алмашинувининг бузилиши аниқланди. Минерал алмашинувининг тарқалганлиги ва интенсивлиги фон касаллик характери билан белгиланади.

Пародонтит билан касалланган беморларда кальций миқдорини сезиларли равишда камайиши айниқса пўрсилдоқ негизда кучлироқ намоён бўлди. Бу ўзгаришларни глюкокортикоид терапия таъсири билан тушунтириш мумкин, чунки кортикостероидлар кальцийни йўқотилишига сабаб бўлади. Пўрсилдоқ бўлмаган беморларда эса кальцийни камайиши (17,96%) милк қонида ва камроқ даражада периферик қонда (9,8%, ($P > 0,05$)) кузатилди.

Пўрсилдоқ билан касалланган беморларда милк ва периферик қонда кальций миқдори бўйича статистик ишонарли фарқлар кузатилмади, фаол концентрация мос ҳолда 29,8% ($P < 0,01$) ва 26,53% ($P < 0,01$) тенг бўлди.

Пўрсилдоқ билан касалланмаган беморларда кузатилган пародонтит мавжуд шахсларда милк қонидаги фосфор миқдори 13,88% ($P < 0,05$); периферияда - 3,45% ($P > 0,05$) юқорилиги аниқланди. Стероидли остеопорозда

фосфор миқдори гипофосфатемия тавсифига эга бўлди, бунда милк қонида унинг миқдори 23,28%га пасайди, периферияда эса 20,69% паст бўлди ($P < 0,01$).

Пўрсилдоқли беморларда остеопорозни ривожланишида гипофосфатемия ва гипокальциемия муҳим аҳамиятга эгаллиги шубҳасиздир, бунда кортикостероидларни узок вақт қабул қилинишида сийдик орқали микроэлементларнинг йўқотилиши ва резорбцияни сусайиши аҳамиятлидир.

Пўрсилдоқ бўлмаган ТП билан касалланган беморларда ишқорий фосфатаза фаоллиги милк қонида 27,98, периферияда – 4,60% пасайганлигини кўришимиз мумкин. Айни шундай динамика пўрсилдоқ билан касалланган беморларда ҳам кузатилди ва у мос ҳолда 41,48% ($P < 0,01$) ва 37,56% ($P < 0,01$) тенг натижалар қайд қилинди.

Суяк ремоделиранининг биокимёвий маркерларининг қўлланилиши суяк тўқимасидаги метаболизм жараёнини баҳолашга, модда алмашинув жараёнлари тезлигини аниқлашга, остеопорозга олиб келувчи суяк массасини йўқотилиш тезлигини ҳамда унга мос даволаш усулини танлаш ҳамда унинг самарасини баҳолашга имкон беради.


Ҳозирги кунда олимларни суяк массасини энг юқори даражасида бўлган навқирон ва ўрта ёшдаги инсонларда метаболик бузилишларни келиб чиқиши ва ривожланиши борасидаги муаммолар кизқтирмоқда. Суяк тўқимаси минерализация жараёнида кальций муҳим аҳамиятга эга, унинг физиологик миқдори кальций даражасини бошқарувчи гормонлар билан боғлиқ. ўз ўрнида паратиреоид гормон миқдори қондаги кальций билан чамбарчас боғлиқдир. Бу қайтар жараён бўлиб, суяк тўқимаси минерал зичлиги даражасига таъсир қилувчи муҳим гомеостатик механизмларда биридир.

Олинган натижаларни ПТГ турли суяк тўқималарига танлаб таъсир этиши билан тушунтириш мумкин. М.Parisien ва муаллифлар (2002) ва Р.Cristiansen ва муаллифлар (2013) ишларида кўрсатилишича, тажрибаларда ПТГ миқдорининг сезиларли ортиши ғоваксимон суяклар минерал зичлиги пасайишига олиб келиши аниқланган. Ҳозирча ушбу ҳолатни тушунтириш имкони йўқ, бироқ СТГ билан оғриган беморларда суяк минерал зичлиги солиштирилганда ПТГ миқдори назорат кўрсаткичларидан кўплиги кузатилган.

Маълумки, ёш ўтиши билан кальций абсорбция даражаси камайди, натижада унинг қондаги миқдорини ортиши метаболик остеопатия оқибатида остеокластик резорбцияни кучайиши билан боғлиқ, пўрсилдоқ билан касалланган беморларни глюкокортикоид терапия негизида айни шундай ҳолат қайд этилади.


Пўрсилдоқ негизида кечувчи ТП билан оғриган беморларда ионлашган кальций миқдорини юқорилиги маҳаллий яллиғланиш жараёни–ўрта ва оғир даражадаги сурункали тарқалган пародонтит оқибати ва альвеоляр суякни фаол резорбцияси натижасида келиб чиқади.

Кальций миқдорини бошқарувчи гормонлар (ПТГ, КТ) миқдоридаги ўзгаришлар кальций гомеостазини белгиловчи яна бир муҳим омил саналади. Бизнинг тадқиқотларимизда ТП билан касалланган беморларда ПТГ ва КТ миқдори таҳлил қилиниб, назорат гуруҳида олинган кўрсаткичлар билан таққосланди (2-расм).



2-расм. Пўрсилдок билан ассоцирланган тарқалган пародонтит билан касалланган беморларда кальций миқдорини бошқарувчи гормонлар миқдори

Шунинг учун пародонтал патология патогенезида унинг аҳамиятини аниқлаш мушкулдир, чунки текширилган гуруҳ беморларида унинг миқдорини назорат кўрсаткичларигача пасайиши кузатилади. Бунда текширилган гуруҳ беморларда КТ миқдорининг пастлиги айниқса Т1+пўрсилдок гуруҳида кучлироқ акс этиб ($2,11 \pm 0,34$ нг/л), у назорат кўрсаткичларидан ишонарли тарзда фарқ қилди ($3,42 \pm 0,29$ нг/мл). Эҳтимол, кальцитонинг метаболик остеопатия ривожланишидаги ўрнини аниқлаш учун кенгроқ тадқиқотлар олиб бориш лозимдир.



3-расм. Пўрсилдок негизида кечувчи тарқалган пародонтит билан касалланган беморларда суяк метаболизми кўрсаткичлари

Суяк патологияларини комплекс даволаш муолажаларига ҳар қандай остеотроп препаратларни қўшиш масаласини ҳал қилиш учун суяк модда алмашинув тезлиги ва характерини аниқлаш зарур. бу мақсадда бизнинг

тадқиқотларимизда суяк шаклланиш маркерлари остеокальцин ва суяк резорбцияси маркери P-CrossLaps қўлланилди.

Асосий гуруҳларда олинган натижаларни тахлили шуни кўрсатдики, ТП-пўрсилдоқ гуруҳ беморларида остеокальцин миқдори 43,2% юқори бўлиб, ўртача $0,484 \pm 0,05$ нг/мл тенг бўлди. Текширилган беморларда остеокальцин миқдорининг пасайиши ПТГ ортиши ва унинг остеобластлар метаболик фаоллигига таъсири билан тушунтириш мумкин. Суяк шаклланишининг сусайиши эса ушбу таъсиротнинг дастлабки турткиси бўлиб ҳисобланади, бу эса бизнинг тадқиқотларимизда ҳам ўз аксини топди.

Шундай қилиб, пўрсилдоқ+ТП беморларда минерал ва суяк метаболизми ҳолатининг ўзига хос жихатларини тавсифлаган ҳолда шуни таъкидлаш зарурки, беморларда юқоридаги суяк метаболизми бузилишлари келиб чиқади ва улар ўз навбатида пародонтал патологияларга сабаб бўлади.

